Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 12-fevral • Payshanba • 18 (27.979) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади».**



**Пойтахтимизда 2004 йилдан буён фаолият юритаётган «EuroStone» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси илғор технологиялар асосида пол, девор, зина ва ошхона жиҳозлари учун турли ўлчам ва рангдаги қоплама плиталар — безактошлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати, халқаро андозаларга мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур хомашё — табиий тош агломерати ва мармар бўлаклари мамлакатимизнинг ўзидан олинади.

Қўшма корхона ҳар куни 1,5 минг квадрат метр қоплама плита ишлаб чиқариш қувватига эга. 2008 йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 877 миллион сўмни ташкил этди. Корхона аҳли жорий йилда мазкур кўрсаткични янада ошириш ниятида.

«EuroStone» ўз маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлаш баробарида ташқи бозорларда ҳам фаол иш юритмоқда. Корхона маҳсулотлари Россия, Беларусь, Қозоғистон каби мамлакатларга экспорт қилинаётир.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хориж ишбилармонлари билан ҳамкорликда иш юритиш учун барча шарт-шароит ва қулай сармоявий муҳит яратилгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, — дейди «EuroStone» қўшма корхонаси бош директори Журъат Носиров. — Маҳаллийлаштириш дастурига биноан «EuroStone» каби корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани бунинг далилидир. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтириш ниятидамиз.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Суратда:** *оператор Фарҳод Муртазаев.*
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат**

### ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

### *эзгу мақсадга хизмат қилади*

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: ***«Давлат ташкилотлари қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки, давлат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса»***, деб таъкидлаган эди.

Шу маънода, ижтимоий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этишда сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юкланган.

Сурхондарё вилоятидаги мавжуд муаммолар қаторида сув масаласи алоҳида ўрин тутади.

Бу борада партиямиздан сайланган депутатлар тармоқдаги аҳволни атрофлича ўрганиб чиқиб, масалани халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2006 йил 28 августда бўлиб ўтган сессияси муҳокамасига киритган эди. Баҳс-мунозарадан сўнг «Вилоятда ичимлик сув таъминоти аҳволи ҳақида» қарор қабул қилиниб, махсус дастур ишлаб чиқилди, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари тизимдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда нафақат бюджет, балки ҳомийлар, шунингдек, инвестиция маблағлари жалб этилди. 2006 йилда 13 та сув қудуғи таъмирланди, 4 та янги қудуқ қазиб, ишга туширилди, 63,4 километр масофага сув узатувчи қувур тортилди. Натижада, 64 мингдан ортиқ аҳолининг сув билан таъминланиши яхшиланди.

Шунингдек, Денов шаҳрида яроқсиз аҳволга келиб қолган 2,3 километр сув қувурлари алмаштирилди. Шўрчи туманида 2,6 километр янги сув тармоғи яратилди ва ичимлик суви қудуғи қазилди. Шарғун сув сақлаш иншооти бунёд этилиб, 600 метрга қувур ётқизилди.

Шеробод туманидаги «Тароқли», Қизириқ туманидаги «Гиламбоб», Қумқўрғон туманидаги «Оққапчиғай — Ўзбекистон», Музработ туманида «Оқтош — Навбаҳор» ичимлик сув тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. Ўнлаб шаҳар ва қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Бу соҳага республика бюджетидан 504,2, маҳаллий бюджетдан 32 миллион сўм ажратилди. Шу ҳисобдан «Хўжаипак» минтақалараро сув тармоғи реконструкция қилинди. Сув насослари ва қурилмалар энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан алмаштирилди. Ҳукуматнинг инвестиция дастурига кўра, 605,54 миллион сўм ажратилиб, 24 та аҳоли пункти марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотига ҳамиша катта эътибор билан қараб келмоқда. Биргина 2006 йили аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга жами 3 миллиард 920 миллион сўм сарфланганн ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Бу борада кейинги йилларда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2007 йил мобайнида 23 та янги сув қудуғи қазилди ва 26 таси таъмирланди, 45 та сув насоси ўрнатилди ҳамда 121 километр масофага сув тармоғи тортилди. 2008 йилда эса қурилган ва таъмирланган сув қудуқлари 35 тани, янгидан барпо этилган сув тармоқлари 61 километрни ташкил этди.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикасининг молиявий кўмаги билан ичимлик суви қувурлари тортиш ва сув сақлаш иншоотларини реконструкция қилишга қаратилган йирик лойиҳалар бўйича иш олиб борилмоқда.

— Қилинган ишлар жуда салмоқли, аммо бу борада ҳали айрим камчиликлар мавжуд эканидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари А.Аҳмедов. — Шу сабабли депутутлик гуруҳимиз бу долзарб масалани яна бир бор чуқур ўрганиб, иккинчи марта сессия муҳокамасига киритди. Унда билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилинди. Вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободончилик масалалари бўйича мажмуаси, Термиз шаҳар ва туман ҳокимликларига аҳолини ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ижросини ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан эса Алишер Навоий номли маҳаллада сув қудуғи қазилиб, табиий газ қувурлари тортилди. Бу эса нафақат аҳолининг манфаатдорлигини таъминлади, балки маҳаллада нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ишга туширилишига имкон яратди. Натижада 15 киши иш билан таъминланди.

Ўзбекистон ХДП депутатлари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам Президентимизнинг ижтимоий йўналтирилган фармон ва қарорлари, ҳукумат дастурлари бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиб, ўз ваколатлари доирасида таклифлар билан чиқиш ниятида.

**Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ДАРЁЛАРНИ «ТАРТИБГА СОЛУВЧИ»ЛАР ЎЙЛАБ КЎРИШИ КЕРАК

### ёки трансчегаравий дарёларда хавфли гидроэнергетик лойиҳаларнинг амалга оширилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин

Икки буюк дарё — Амударё ва Сирдарё асрлар давомида Марказий Осиё халқларини ҳаётбахш неъмат — сув билан таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда қатор давлатлар чегараларини кесиб ўтганлиги туфайли уларни трансчегаравий дарёлар деб аташади. Аммо бу билан мазкур заминда яшаётган, шу дарёлар суви туфайли деҳқончилик қилиб келаётган одамлар учун уларнинг аҳамияти ўзгариб қолмайди.



Трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш муаммоси минтақанинг трансчегаравий дарёларида янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларнинг юзага келиши туфайли янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида минтақадаги сув ресурсларини тартибга солиш марказлашган тартибда амалга оширилган бўлса, энди бу масала яқинда мустақилликка эришган айрим давлатлар раҳбарлари ихтиёрига ўтмоқда. Амалда бу шунга олиб келмоқдаки, халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид равишда улар сувни мулк деб ҳисоблаб, ундан қўшни давлатлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда фойдаланмоқда.

Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширилишининг сармоявий жозибадорлиги ҳақида сўз юритар экан, уларнинг муаллифлари бу иш экология ва табиатдан фойдаланиш соҳаларида инқирозга олиб келиши мумкинлигига аҳамият бермасликка интилмоқда. Ҳолбуки, бу ўринда шу ўлкада яшаётган миллион-миллион кишилар тақдири ҳақида гап бормоқда.

2-бет

### Фракция йиғилиши

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий шартларидан биридир. Бунда, айниқса ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида бетакрор институт бўлган Омбудсманнинг алоҳида ўрни бор. Турли мамлакатларда Омбудсман турли тузилма ҳолида, Президент девони ёки Вазирлар Маҳкамаси, ёки бўлмаса, бошқа идора қошида фаолият кўрсатади. Мамлакатимизда бу борада ўзига хослик шундаки, Омбудсман Олий Мажлиснинг, яъни қонун чиқарувчи олий органнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳисобланади.



## ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2008 йилдаги фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Чунки, ўтган йилда доимий вазифалар билан бирга, Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари» умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида алоҳида таъкидланди. Фракция «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман)нинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботни кўриб чиқди. Масала юзасидан Омбудсман Сайёра Рашидова маъруза қилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Котибияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги парламент Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг Қўшма қарори ҳамда мамлакат Ҳукуматининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»ги Қарори жамият ҳаётини модернизациялаш ва янгилаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, Омбудсман фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиши имконини берганини таъкидлади.

2-бет

## ОДИЛ СУДЛОВ — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан татбиқ этилаётган ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар негизида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати мазкур ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида бўлди.

**— Бўритош Мустафоевич, статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги мурожаатлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?**

— Бу, аввало, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг одил судловга ишончи муттасил ортиб бораётганининг амалдаги ифодасидир. Жумладан, ўтган йилларда Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоида ва талаблари асосида жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилдан шу вақтга қадар икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви одил судлов сифатини ошириш имконини берди. 2000 йилда республика бўйича 70 мингга яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2008 йилда бу 340 мингдан ортиқни ташкил қилиб, уларнинг 96,2 фоизга яқини бўйича даъволар қаноатлантирилди.

3-бет

### • БЕНАЗИР СИЙМО



*Юксак маданиятга эришган ҳар бир халқнинг шундай буюк фарзандлари бўладики, улар нафақат ўз юрти, балки умумжаҳон тафаккур аҳлининг ҳурмат-эътиборида бўлади.*

2-бет

### • ҲУНАР ЎРГАН, ҲУНАРДА ҲИКМАТ КЎП...



дейди Жиззах шаҳрининг Раваллақ маҳалласида истиқомат қилувчи ҳунарманд, ЎзХДП аъзоси Кўчқор Қозоқов.

3-бет

### • СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ



Спорт бу оилага кўпдан-кўп ҳаяжонли, бахтли онларни ҳадя этмоқда. Спорт туфайли бу оилада соғлом муҳит ҳукмрон.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## Маънавий мерос

# БЕНАЗИР СИЙМО

Юксак маданиятга эришган ҳар бир халқнинг шундай буюк фарзандлари бўладики, улар нафақат ўз юрти, балки умумжаҳон тафаккур аҳлининг ҳурмат-эътиборида бўлади. Ўзбек халқи тарихида дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ана шундай улуғ алломалар, давлат арбоблари кўплаб топилади. Уларнинг ҳаёти ва ижодини дунё олимлари кенг миқёсда ўрганиб келадилар.

Бу фикримизга, айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур маънавий меросининг жаҳон илми фани, маданияти ва санъатида ўрганилиши, тарғибу ташвиқ этилиши яққол мисол бўла олади.



Бу мумтоз сиймо буюк шоир ва олим, айни вақтда Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган бобурийлар сулоласига асос солган давлат арбоби сифатида ҳинд халқи ва жамоатчилигининг ҳам диққат-эътиборини қозонгани барчамизга яхши маълум. Панипат шаҳридаги музей Бобур фаолиятига, хусусан, унинг Деҳли султони Иброҳим Лўдий устидан эришган тарихий ғалабасига, Бангладеш пойтахтидаги Лаълбоғ қальаси музейи эса Бобур ва бобурийлар салтанати вакилларига бағишланган. Бу тарихий масканлар ҳинд ва бангол халқларининг оммавий зиёратгоҳлари ҳисобланади.

Машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида шундай деб ёзади: «Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсон бўлиб, ўз замонасидаги энг етук шахслардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланиш ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъатни, айниқса, адабиётни севарди».

Атоқли давлат ва сиёсат арбобларининг ана шундай холис муносабатлари туфайли ҳинд олимлари Бобур ва бобурийлар ҳақида ўнлаб тарихий, адабий, илмий асарлар ёзганлар ва ёзмоқдалар, кўп қисмли сериаллар яратмоқдалар. «Бобурнома» бу мамлакатда нафақат ҳинд тилида, балки, инглиз тилида ҳам қайта-қайта нашр этилгани бунинг яна бир исботидир.

Шу ўринда Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешда Бобур ижоди билан қизиқиб, тадқиқотлар яратган, унинг асарларини ҳинд ва урду тилига таржима қилишдек машаққатли ишга ҳаётини бағишлаган баъзи олимларнинг исм-шарифларини ҳурмат билан тилга олиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Маълумки, «Бобурнома»нинг форс тилига илк таржимасини Абдураҳим Хони Хонон амалга оширган. Бу асарни Рушан Оро Бегим нашрга тайёрлаб, 1972 йили нашр эттирди.

Бобур авлодларидан бўлган Мирзо Насриддин Ҳайдар Кўрагоний «Бобурнома»ни урду тилига таржима қилган. Бу таржима китоб ҳолида 1924 йили Деҳлида, 1962 йили эса Карачида нашр этилди. Доктор М.Ҳ.Сиддиқий «Бобурнинг Қандаҳорга юриши тарихига доир» асарини яратиб, 1962 йилда Карачида чоп эттирди.

Яна бир йирик шарқшунос олим — Рашид Ахтар Надвий урду тилига таржима қилган «Бобурнома» 1965, 1991 йиллар мобайнида икки маротаба нашр этилди.

Профессор Саидбек Ҳасановнинг қайд этишича, «Бобурнома» ҳиндий тилига Йуг-жит Навалпурий томонидан таржима қилиниб, 1974 йилда Янги Деҳлида Ҳиндистон адабиёт академияси томонидан нашр этилган. Бу таржима Ҳиндистонда такрор ва такрор босилиб тарқатилмоқда. 2006 йили ҳинд олими Қамар Раиснинг «Бобур шахсияти ва шеърияти» китоби Деҳлида босилиб чиқди ва бу асар ўтган йили ўзбек тилида ҳам нашр этилди.

1992 йил февраль ойида Андижон шаҳрида Халқаро Бобур фонди таъсис этилди. Фонднинг бош мақсади жаҳон бўйлаб сочилган Бобур ва бобурийларга мансуб осори атиқалар, адабиёт ва санъат асарлари, архитектура ва китобат намуналарини йиғиб, Ўзбекистонга келтириш, нафақат Бобур ва бобурийлар, қисмат тақозоси билан хоклари чет элларда қолиб кетган буюк аждодларимиз қабр-мақбараларини излаб топиш ва ҳурматларини жойига қўйишдан иборатдир.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг тарихий меросимиз, миллий маънавиятимизга, жумладан, Бобур шахсига алоҳида ҳурмат-эътибори туфайли бобуршунослик янги ўзанга — чинакам тараққиёт ўзанига юз тутди. Халқаро Бобур фондининг дастлабки қадамларидан бири Андижонда катта ҳудуддаги сувсиз қирадир жойларни ўзлаштириб, обод қилиш ва бу ерда Бобур боғини яратишдан иборат бўлди. Ушбу гўзал масканда «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейи ҳам барпо этилди. 1994 йили октябрь ойида бу сайилгоҳга ташриф буюрган ҳурматли Президентимиз боғнинг хотира дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди:

«Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг барпо этилиши — халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганлигидан яхши бир муждадир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.

Қадимий Андижон аҳлининг бу каби савобли ишлари кўпайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат бўлсин. Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман».

Истиқлол йилларида Бобур асарларининг илмий ва оммабоп нашрлари узлуксиз ва тизимли равишда заҳматкаш олимларимиз — академик Азиз Қаюмов, профессор Саидбек Ҳасанов, Абдуғафур Абдурашидов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Ваҳоб Раҳмонов, Эргаш Очиловлар томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Кейинги йилларда бобуршунослик соҳасида юқорида номлари тилга олинган олимларнинг илмий тадқиқотлари, шунингдек, профессор Ҳасан Қудратиллаевнинг «Бобур армони», Ансориддин Иброҳимовнинг «Бобурнома» — буюк асар», «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар», профессор Раҳим Воҳидовнинг «Биз билган ва билмаган Бобур», Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезарь», «Бобур ҳақида ўйлар», профессор Ғафуржон Сатимовнинг «Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври», «Бобурийзодалар», професор Фатҳиддин Исҳоқовнинг «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат, Иқболой Адизованинг «Сўзумни кўруб англағайсен ўзумни», З.Машрабов ва С.Шокаримовнинг «Асрларни бўйлаган Бобур», Зулхумор Холмованинг «Бобурнома лексикаси» сингари ўнлаб илмий ва оммабоп рисолалар яратилди. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Халқаро Бобур фонди Бобур меросини ўрганишга ўн етти йилдан бери ўз ҳиссасини қўшмоқда. Фонд фаолиятининг уч қирраси нисбатан кўзга кўринарлидир:

Биринчиси, фонд таркибидаги «Бобур изидан» илмий экспедицияси ўзининг чет элларга ўн икки марта уюштирган сафарларида дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатида бўлиб, Бобур ва бобурийларга тегишли тўрт юздан ортиқ осори атиқалар, қўлёзма ва тошбосма асарлар, ҳужжатларни излаб топиб, уларни юртимизга келтириб «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига топширдилар ва уларнинг аксарият қисмини илмий муомалага киритиш имконини яратдилар. Жумладан, Эроннинг Салтанат кутубхонасида сақланаётган «Бобур куллиёти», Машҳаддан келтирилган, Бобур ихтиро қилган ёзув — «Хатти Бобурий»да кўчирилган Қуръони Каримнинг нусхаси, Аннета Сюзанна Акройд (Бевериж хоним) томонидан 1905 йилда Лондонда нашр этилган «Бобурнома»нинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида сақланаётган нусхасининг фото-факсимил нашрини, 1956 йили Қозон шаҳрида Николай Ильминский томонидан амалга оширилган «Бобурнома» нашрининг аслини шулар қаторида қайд этиш мумкин.

«Бобур изидан» экспедициясининг сўнгги сафари Бобур Мирзо қаламига мансуб «Асрори мусиқиюн» («Мусиқа сирлари») ва «Ҳарб иши» асарларини излаб топиш мақсадида Хитой Халқ Республикасига уюштирилди. Экспедиция аъзолари Урумчи, Хўтан, Ёркент, Қашқар ва Оқсув шаҳарларида бўлиб, Мирза Муҳаммад Ҳайдар Кўрагонийнинг «Тарихи Рашидий» асари ва Мўъжизийнинг «Мусиқа тарихи» китобларини келтиришга муваффақ бўлдилар. Мўъжизийнинг асарида «Асрори мусиқиюн» ҳақида аниқ маълумотлар берилган, бу манба ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ҳам анча-мунча янгиликлар билан бойитишга хизмат қилади.

Иккинчиси, ана шу сафарлар давомида Бобур ва бобурийлар ҳақида йигирмадан ортиқ ҳужжатли ва видео фильмлар яратилиб, мамлакатимизда намойиш этилди. Ушбу экспедиция аъзолари ўз таассуротларини сафарнома китобларида акс эттирдилар. Адиб Хайриддин Султоновнинг «Бобурийнома», Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға», «Буюклар изидан», «Андижондан Даккагача», «Андижондан Бағдодгача» асарлари шулар жумласидандир.

Учинчидан, Халқаро Бобур фондининг моддий ва маънавий ҳомийлигида 2007-2008 йилнинг ўзида мавзуга оид 23 та китоб нашр этилди. Бунга мисол қилиб, «Бобурнома»нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги нашри (табдилчилар Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева), «Бобурнома. Миниатюралар» китоби, Бобурнинг «Ғарибинг андижонийдур» шеърлар девони, «Бобурнома»нинг русча таржимаси, Азиз Қаюмов ва Саидбек Ҳасановнинг «Бобур ижодиёти» тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

2008 йилнинг 15-16 август кунлари Андижон шаҳрида вилоят ҳокимлиги раҳбарлиги ва Халқаро Бобур фонди ҳомийлигида «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижоди билан шуғулланаётган мамлакатимиз ва чет эллик олимлар иштирок этдилар.



*Бобуршунос олимлар (чапдан ўнгга) — профессорлар Ҳасан Қудратиллаев, Эйжи Мано (Япония) ва Саидбек Ҳасанов.*

Ушбу конференцияда мисрлик олима Магда Салаҳ Маҳлуф «Бобурнома»ни араб тилига ўзи ўгириб нашр эттирган таржимасини, афғонистонлик олима Шафиқа Ёркин эса «Бобурнома»нинг («Воқеоти Кобул») форсий таржимаси ва ўзбекча нашрини тақдим қилди.

Айтиш жоизки, Япониядаги Киото университетининг муҳтарам профессори Эйжи Мано анжуманнинг азиз меҳмони бўлди. У деярли ўттиз йиллик умрини Бобурга бағишлаб, дунё бўйлаб «Бобурнома»нинг туркий ва форсий қўлёзмаларини йиғиб, қиёслаб, асарнинг араб ёзувидаги илмий-танқидий матнини, «Бобурнома. Шарҳлар. Кўрсаткичлар» тадқиқотини яратган. Шунингдек, у «Бобурнома»нинг япон тилига таржимаси ҳамда «Бобур ва унинг даври» номли йирик тадқиқотнинг муаллифидир.

Анжуманда туркиялик олим Танжу Ўрал Сейҳан ҳам ўзи тузиб нашр эттирган Бобурнинг «Мубаййин» асарининг фотофаксимил нусхаси илова қилинган илмий-танқидий матнини тақдим этди.

Конференцияга хитойлик дўстларимиз «Бобурнома»нинг хитой тилидаги таржимаси ва Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» китобининг 2007 йилда Муҳаммадтурди Мирзоаҳмад томонидан нашрга тайёрлаб босилган (таржимон Мулло Муҳаммадниёз ибни Абдулғафур) нусхасини ҳам совға қилдилар.

Маълумки, «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Бобур Мирзонинг холавачаси бўлиб, Хуб Нигор хонимнинг ўғлидир. Бу асар «Бобурнома»да тушириб қолдирилган ёки йўқолган деб ҳисобланадиган 18 йиллик воқеаларнинг Бобур билан боғлиқ қисмини тўлдирадиган тарихий эсдаликлар сифатида алоҳида илмий қимматга эга.

Бу асар шу кунларда Фондимиз ҳомийлигида таниқли адабиётшунослар Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамовалар таржимасида ўзбек тилига ўгирилмоқда. Насиб этса, яқинда нашр этилади.

Шунингдек, афғонистонлик тадқиқотчи Ҳалим Ёркиннинг «Хатти Бобурий» ҳақидаги маърузаси ҳам анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шотландияда яшаб ижод этаётган шарқшунос олим Ҳасан Бек «Бобур изидан» видеофильмини шоир мухлисларига тақдим қилди. Фильм Бобур портретини кўрсатишдан бошланади. Бобур туғилган макон — Андижон манзаралари, унинг қадамжолари — Ахсикент, Тошкент, Исфара, Хўжанд, Афғонистон ва Ҳиндистон бўйлаб Бобурга тааллуқли масканлар суратга олинган. Фильм давомида ўзбек куйлари янграб туради.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган маълумотлар Бобур ижоди жаҳон миқёсида тобора оммавийлашиб бораётганини кўрсатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг ҳозирга қадар ўттиздан ортиқ жаҳон тилларига таржима этилгани, дунё олимлари томонидан улуғ аждодимиз меросини ҳар томонлама тадқиқ этишга бўлган қизиқишнинг кучайиб бораётгани ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Маълумки, Бобур шахсига Европа мамлакатлари адиблари ҳам катта эътибор бериб, кўплаб илмий-бадиий асарлар яратганлар. Жумладан, Рашбрук Уильямс қаламига мансуб «XVI аср бунёдкори» (Бобур) романи инглиз тилидан ўзбек тилига ўгирилди. Бу асар ҳам яқин орада босилиб чиқади. Фонд ҳомийлигида инглиз адибаси Маргарет Румер Годен яратган «Гулбадан» романи (ўзбек тилига Холида Сўфиева таржима қилган) «Шарқ» нашриёт-матбаа таҳририятида босилиб чиқди ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Анна Флора Стилнинг «Тож кийган дарвеш», Харольд Лэмбнинг «Бобур — йўлбарс», Мирзо Ғолибнинг «Меҳри Нимрўз» («Тушки қуёш»), Фариштанинг «Тарихи Фаришта» асарларини ўзбек тилига ўгириш ва китобхонларга тақдим қилиш устида иш олиб борилмоқда.

Фондимиз фаоллари ва жамоаси бундан буён ҳам «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифаларини, «Ҳарб иши» ва «Мусиқа сирлари» асарларини излаш, Бобур ва бобурийларга тааллуқли тарихий ҳужжат ва илмий тадқиқотларни жаҳон бўйлаб йиғиш, юртимиз ва чет эллик олимларнинг улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижодига оид илмий тадқиқотларини нашр этишга ҳомийлик қилиш, шу мавзуда хорижда яратилган бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилдириш сингари хайрли ишларни давом эттирадилар. Айни вақтда Бобур боғини янада обод этиш учун ҳаракат қиладилар.

Фонднинг кейинги йиллардаги энг муҳим вазифаларидан бири — «Бобур энциклопедияси»ни яратиш билан боғлиқ. 2007 йилда бошланган бу йирик ишнинг 2010 йилда ниҳояга етказилиши кутилмоқда. Бу муҳим ва масъулиятли ишга Ўзбекистон ва чет мамлакатларнинг нуфузли бобуршунослари жалб этилган.

Ўйлаймизки, ушбу ишларимиз, Бобур абадиятига биз — Бобур ватандошларининг қўшган ҳиссамиз бўлади.

**Зокиржон МАШРАБОВ,**
**Халқаро Бобур фонди раиси.**

# ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ МАЪҚУЛЛАНДИ



Омбудсман инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, минтақавий вакиллари ишини самарали йўлга қўйиш жараёнини давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик асосида ташкил этди. Шунингдек, ахборот-маърифий фаолият, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва бошқа йўналишларни қамраган қатор тадбирларни амалга оширди.

Ҳисобот йилида Омбудсманга 9962 та мурожаат тушди. Ишонч телефони орқали бўлган 770 та мурожаат бўйича юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Котибиятида 992 нафар киши қабул қилинди. Ҳуқуқ, эркинликлар ва қонуний манфаатларнинг бузилиши тўғрисидаги мурожаатлардан 1891 таси назоратга олинди.

Фракция аъзолари мазкур ҳисоботни батафсил муҳокама этиб, уни қуйи палата ялпи мажлисида маъқуллаб овоз беришга келишиб олдилар.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Бюджет ва иқтисодийислоҳотлар қўмитаси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев маъруза қилди.

Маълумки, Президентнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармонига мувофиқ, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратиш, замонавий технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Мазкур қонун лойиҳасидаги ўзгартиш ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликни Президентимизнинг мазкур Фармонида мустаҳкамланган эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, уларни оператив бошқариш ва мувофиқлаштириш амалиётига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шавкат Тешаев маъруза қилди.

Президентнинг 2008 йил 24 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Молия вазирлиги Ғазначилигига республикага келаётган барча турдаги, жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда амалдаги қонунга тегишли қўшимча киритилмоқда.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан депутатлар, соҳа мутахассислари ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

**Асли КАМОЛ**

**Абдиваси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ДАРЁЛАРНИ «ТАРТИБГА СОЛУВЧИ»ЛАР ЎЙЛАБ КЎРИШИ КЕРАК

Боз устига, минтақа аҳолиси ҳамон Орол денгизи қуриши билан боғлиқ улкан экологик инқироз оқибатларидан азият чекмоқда. Унинг таъсири ҳатто кенг кўламли минтақа генофондида ҳам кузатилмоқда. Ўнлаб йиллар давом этиб келаётган бу фожианинг таъсирини нафақат Орол бўйи аҳолиси, балки ундан узоқ жойларда яшаётганлар ҳам сезмоқда. Одамлар, ҳайвонот ва ўсимлик олами бундан азият чекмоқда. Бугунги кунда Орол фожиаси нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун инсониятнинг муаммосига айланганини ҳеч кимга сир эмас.

Орол кулфати табиатга нисбатан зўравонларча муносабатда бўлиш оқибатини ифодалаб қолмай, сув ресурсларидан фойдаланиш ва бу борадаги мураккаб муаммоларга юзаки ёндашиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Минтақада экологик мувозанат жуда омонат экани ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак. Шу билан бирга, бу ерлар сейсмик хавф юқори бўлган ҳудуд эканини, вайронгарчиликка олиб келувчи зилзилалар тез-тез содир бўлиб туришини ҳам унутмаслик зарур. Агар кучли зилзила қайтарилиб, тўғон вайрон бўлса, оқибатда одамлар қурбон бўлса, ерларни сув босса, бунинг учун ким жавоб беради?!

Масаланинг мана шу томонини эътиборга олсак, дарёларни ўзимизча тартибга солишнинг нима кераги бор, деган савол туғилади. Зеро, экспертлар мавжуд гидроэнергетик иншоотларнинг кам самарадорлигини ҳисобга олиб, минтақадаги трансчегаравий сув оқимларини янада тартибга солиш, табиий ҳолига путур етказиш мақсадга мувофиқ эмаслигини уқтирмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, мутахассисларнинг экспертиза хулосалари ва чуқур ўйланган мулоҳазаларисиз бу ишга қўл уриб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Сирдарёга асосий ўзани — Норин дарёсидан 12-13 млрд.куб сув келиб қўшилади. Айни пайтда, Тоҳтагуль сув омборига 19,5 млрд.куб сув сиғади. Яъни, бир йил давомида йиғилган сув уни тўлдира олмайди. Демак, тўртта давлат ҳудудини кесиб ўтган Сирдарё эндиликда йўқ, балки бир мамлакат қўлидаги Тоҳтагуль сув омбори бор, холос. Қуйи оқимга қачон ва қанча сув кетиши фақат унга боғлиқ. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистонга сув керак, лекин сув омбори тўлиб кетгач, қиш фаслида қўйиб юборилиши, қишлоқларни, дала ва яйловларни сел босиши учун эмас, балки ерларни суғориш учун вегетация даврида зарур. Лекин, бу билан бу давлатнинг мутлақо иши йўқ. Дарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар бундан ҳар йили миллионлаб зарар кўрмоқда.

Қўшимча даромад илинжи Қирғизистонни сув оқимларини фақат ички истеъмол мақсадлари учун эмас, балки экспорт мақсадлари учун энергетик режимга ўтказишга ундамоқда. Бугун 2008 йилда Тоҳтагуль сув омборида сувни «ноль» даражага туширишдан ким фойда кўргани тўғрисида камдан-кам одам ўйлайди. Натижа шу бўлдики, бугун мазкур мамлакатнинг ўзига электр қуввати етишмайди. Энди эса буни дастак қилиб олган айрим кимсалар янги гидролойиҳалар ташаббусини илгари сурмоқда. Энди Қирғизистонда Камбартин ГЭСлар каскадини қуриш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш тарафдори. Айни пайтда, у янги гидроэнергетик иншоотлар қурилишида иштирок этиши ҳам мумкин. Фақат бунинг учун гидроэнергетик иншоотлар лойиҳалари атрофлича халқаро экспертизадан ўтган бўлиши, бу ишга малакали сувсозлар, эколог олимлар ва сейсмологлар жалб этилиши керак. Бунда улар томонидан иккита муҳим жиҳат ўз тасдиғини топиши шарт.

Биринчидан, Сирдарё оқими ҳажми ва режими ўзгаришсиз қолади ва чегарадош давлатлар суғориш учун сувни вегетация даврида, керакли ҳажмда олиш имконига эга бўлади;

Иккинчидан, янги лойиҳалар минтақадаги экологик вазиятни оғирлаштиришга олиб келмаслиги лозим.

Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ — трансчегаравий дарёлар ҳавзаларидаги ҳар қандай кенг кўламли қурилиш сувдан фойдаланувчи давлатлар билан келишилган ҳолда бўлиши керак. Бу фақат бизнинг давлатимиз талаби бўлиб қолмай, БМТнинг тегишли конвенцияларида белгиланган халқаро ҳуқуқий меъёрдир.

Россия Федерацияси бу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлагани диққатга сазовор, зеро, бу талаб халқаро ҳуқуқий меъёрларга, табиатдан оқилона фойдаланиш тамойилларига ва соғлом фикрга асосланган. Айни пайтда, бу нуқтаи назарнинг барқарор эканига ишониш қийин.

Прагматизмга ва ўз мамлакатимиз манфаатларига қайтсак. Агар халқаро экспертиза хулосаси олинмаган ҳолда, мантиққа зид равишда ва бир томонлама Камбартин ГЭСлари каскади қурила бошланса, Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак?

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон бунинг оқибатида вегетация даврида кўриладиган талафотнинг ўрнини қоплаш имконини топади. Аммо Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Қозоғистон экинни суғориш учун етарли миқдорда сув ололмай, жиддий зарар кўради.

Шуни эътиборга оладиган бўлсак, айнан Қозоғистон Камбартин ГЭСлари каскади қурилиш бўйича лойиҳаларни тайёрлашда фаол иштирок этаётгани ажабланарли ҳолдир.

Назаримда, Қозоғистон жамоатчилиги арзон электр энергия туфайли фойда кўриш илинжида. Бу каби «инвестициявий фаоллик» ўз юрти учун қандай ҳалокатли оқибатлар олиб келишини лойиҳа «тарафдорлари» ўйлаб кўриши, чуқур мулоҳаза юритиши керак.

Ва ниҳоят, Орол муаммосига қайтадиган бўлсак, шуни унутмаслик керакки, бу каби лойиҳалар минтақадаги вазиятни янада оғирлаштиради, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш умидини пучга чиқаради, шу билан бирга, трансчегаравий дарёлар ҳавзасида яшаётган кишилар ҳаётига таҳдид солади.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўтарилаётган масала бир-икки йил давомида ҳаётга таъсир кўрсатиб қолмайди, бу Марказий Осиё минтақасининг келажагини, асрлар давомидаги қисматини белгилаб беради.

**Сергей АБДУЛЛАЕВ,**
«centrazia.ru» (08.02.2009)

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ОДИЛ СУДЛОВ — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу вақт давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 55 мингга яқин жиноят иши ва 256 мингдан ортиқроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ иш кўриб чиқилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди. Инсон манфаатларини янада кенгроқ ифода этиш мақсадида кенг қўлланилаётган ярашув институти эса одил судловни амалга ошириш, фуқаролар эркинликларини изчил ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир. Мазкур институт ўтган саккиз йил мобайнида саксон мингга яқин кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон бергани ҳам бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган 51 миллиард сўмдан ортиқроқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 11 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. 2008 йил 1 майда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш ва малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзининг ҳаётийлиги ва долзарблиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, халқимиз дунёқараши ва ҳуқуқий онгида юз бераётган чуқур ўзгаришлар мана шундай долзарб вазифани ҳал этишни тақозо этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори судлар ишини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Олий суд ҳузуридаги бу марказ одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу одил судловни амалга оширишнинг замонавий ва халқаро мезонларини чуқур ўрганиш ва мамлакатимизда татбиқ этиш, соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги бундай кенг қамровли ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 асосий халқаро ҳужжатга қўшилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий шартнома қатнашчисидир. 2008 йил 1 майда Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этганини яна бир бор тасдиқлади. Бу дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди.

**— 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олиш учун санкция бериш ваколати судларга ўтказилди. Бунинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар натижасида ўлим жазосини қўллаш соҳаси босқичма-босқич камайиб борди. 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг жазо тизимидан бутунлай чиқарилиши давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган «Habeas Corpus Act» қонуни ҳақида тўхталиб ўтсак. «Habeas corpus» атамаси лотинчада «шахсни судга келтириш» деган маънони англатади. Бу қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судларга ўтказилиши ва шахс судга келтирилган ҳолдагина унга нисбатан бу турдаги эҳтиёт чораси қўллаш демакдир. Бугунги кунда «Habeas corpus»нинг барча талаблари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Мазкур ислоҳотларнинг давоми сифатида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принциплари ва меъёрлари Ўзбекистон қонунчилигида амалиётга киритилди.

**— Жиноят-судлов ишларини юритишда инсонпарварлик ва одиллик принципларини татбиқ этишга доир яна қандай чоралар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббусидан кенг фойдаланилмоқда. Соҳага доир қонунлар муҳокамаси ва қабул қилиниши жараёнида Олий суд судьялари ва мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2008 йили Олий суднинг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида киритган таклифимиз инобатга олинди. 2008 йил 12 апрелдан бошлаб, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисми доирасида белгиланиши қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг муҳим жиҳати ва аввалгиларидан фарқи шундаки, унда назарда тутилган шахсларни жазодан ёки жавобгарликдан озод этиш масаласи фақат судлар томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят-процессуал кодекси ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш масалаларига доир алоҳида 63-боб билан тўлдирилди. Эндиликда амнистия актлари фақат судлар томонидан қўлланилади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатининг XVI ялпи мажлисида мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигига яна бир муҳим янгилик — «Гувоҳнинг адвокати» деган янги 66[1]-модда киритилди. Қонунчилигимизда нафақат жиноий жавобгарликка тортилаётган ёки жабрланган шахснинг, балки гувоҳнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адвокат орқали амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳимоячига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197[1]-модда билан тўлдирилди, яъни адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Умуман айтганда, Олий суд судьялари ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар таркибида 57 қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Бу йўналишда хориж экспертлари иштирокида ўтказилган қатор халқаро семинар, тренинг ва конференцияларда қатнашди.

**— Умумюрисдикция судларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисида суд амалиётини тўғри йўналтиришга қаратилган еттита қарор қабул қилинди. Ишларни кўришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш масаласида суриштирув, тергов органлари ҳамда судларга батафсил тушунтиришлар берилди. Олий суд раёсати йиғилишларида судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган 22 масала муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**— Соҳадаги ислоҳотлар ривожида малакали кадрлар алоҳида ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қандай ҳаётий муаммони ҳал этиш зарурати заковатли кадрларга бориб тақалади. Бу масала Олий суд тизимида қандай ҳал этилмоқда?**

— Дарҳақиқат, малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва маҳоратини ошириш доимий вазифаларимиздан. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси, умумюрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатлари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунида, шунингдек, Олий суд пленумининг 2007 йил 14 декабрдаги «Умумий юрисдикция судларида кадрлар билан ишлаш ҳолати ва судьялар томонидан судьялик қасамёдига риоя этилиши масалалари тўғрисида»ги қарорида судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахс эканлиги, уларга юқори мартаба эгаси сифатида алоҳида талаблар қўйилганлиги таъкидланган. Шу боис судьялик лавозимларига масъулиятли, билимли, ўз вазифасига ва қасамёдига содиқ, пок виждонли кадрларни тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътироф этиш керак, ҳозир судьяларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириб келмоқда.

Судья адашиши мумкин эмас. Унинг хатоси нафақат маҳкум учун, унинг ортида турган ўнлаб инсонлар, қолаверса, бутун жамият учун жуда қимматга тушади. Бу хато бутун тизимни обрўсизлантиради. Зеро, судьяларнинг нафақат процессуал қонун талабларини бажариши, балки уларнинг ахлоқ-одоби, юриш-туриши ҳам эл назаридадир. Масъулиятсиз ва одоб-ахлоқ қоидаларини менсимайдиган ҳар қандай ходимнинг суд тизимида ишлашга ҳақи йўқ. Ана шундай жиддий эътибор туфайли 2008 йили 106 нафар судьяга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 3 нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулосага келинди. Шу билан бирга, таассуф билан айтиш мумкинки, 4 нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Энг муҳими, судьяларимиз фуқаролар, давлат ва жамият олдидаги юксак масъулиятини яхши англайдилар. Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз изчил давом этади. Ҳар бир судья ўз ваколати ва вазифасини қонун доирасида виждонан, холисона, беғараз амалга ошириши доимий эътиборимизда бўлади.

**ЎзА мухбири Ҳусниддин БЕРДИЕВ суҳбатлашди.**




## ОММАВИЙ ҚИСҚАРТИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА



«Japancar» нашри маълум қилишича, Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи «Nissan» компанияси 2008 йилни катта зарар билан якунлади. Кўрилган йўқотиш 2,9 миллиард долларни ташкил этди. Бу кейинги 9 йилдаги энг ачинарли ҳол сифатида баҳоланмоқда.

Шунинг учун япон автомобилсозлари вазиятдан чиқиш чорасини кўрмоқда. Режага кўра, 2010 йил мартга бориб, компания дунёдаги барча бўлимларида иш ўринларини қисқартишни (ҳаммаси бўлиб 20 минг киши, шундан 12 мингги Япониядаги заводлар зиммасига тўғри келади) кўзда тутган. Пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар эса нафақага чиқарилади.

Шундай қилиб, 2010 йил мартдан кейин «Nissan»нинг дунёдаги барча бўлимларида ҳаммаси бўлиб 215 минг ишчи қолади.

## 13 МИЛЛИОН ЕВРОГА ТУШДИ



Эстония ҳарбийларининг 5 йилу 7 ой давомида Ироқдаги иттифоқчи кучлар таркибида иштирок этиши мамлакат учун 200 миллион крон (13 миллион евро)га тушди.

Республикада чоп этиладиган «Ыхтулехт» газетаси хабарига қараганда, 2003 йилдан 2009 йилгача Ироқда Эстониянинг 11 та ҳарбий пиёда бўлинмаси (440 нафар қўшин) ҳарбий ҳаракатларда қатнашди. Шу жараёнда республика 2 нафар ҳарбийсидан айрилди, 18 нафари турли даражада жароҳат олди.

Мамлакат ҳукумати ўтган ой охирида Ироқдаги миссияда иштирок этишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди.

## ГЎШТ ИМПОРТИ ТАҚИҚЛАНДИ

Россия Федерацияси маъмурияти 10 февралдан эътиборан Америка гўшт маҳсулотлари импортига тақиқлов жорий этди.

Тақиқлов асос[illegible] ва парранда гўшти импорти билан шуғулланувчи АҚШнинг [illegible]0 та гўшт комбинатига нисбатан қўлланди. Бунга сабаб, улар Россиянинг ветеринарияга оид қонунларига риоя этмай, тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузмоқда.

Бу ҳақда «Интерфакс» АА хабар тарқатди.


МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАРШИ АЭРОПОРТИ

2009 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

◆ **Лот 1-1.** ***Қарши аэропорти ССТ хизмати автомашиналари учун айвон қурилиши, маъмурий бино ва ювиниш хонасига қўшимча бинолар қурилиши.***

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 276.653.320 сўм. Қурилишни туғаллаш муддати — 5 ой.

◆ **Лот 1-2.** ***Қарши аэропортида «Вайсала» (Финляндия) фирмасининг метеожиҳозлари учун пойдевор ва тўсиқ ўрнатиш, алоқа ва электр таъминоти тармоғи учун муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш.***

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 390.451.549 сўм. Қурилишни туғаллаш муддати — 4,5 ой.

**Буюртмачи** — Қашқадарё вилояти, Қарши аэропорти маъмурияти.

**Манзили** — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

◆ **Қарши шаҳридаги 180 ўқувчи ўринли кўзи ожизлар мактаб-интернатининг 2-навбат қурилиш ишлари.**

*Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 728.990.000 сўм.*
*Қурилиш муддати — 210 кун.*

**Буюртмачи** — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

**Манзили** — Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

*Қурилиш ишларини молиялаштириш Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:**

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

*Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.*

Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.*

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.


✷ Партиядошларимиз ҳақида ҳикоялар



# ҲУНАР ЎРГАН, ДА ҲИКМАТ КЎП...

**дейди Жиззах шаҳрининг Раваллақ маҳалласида истиқомат қилувчи ҳунарманд, ЎзХДП аъзоси, «Шуҳрат» медали соҳиби Кўчқор ҚОЗОҚОВ**

Кўчқор акани нафақат маҳаллада, балки шаҳарда кўпчилик танийди ва ажойиб ҳунар эгаси, бешикчи уста сифатида ҳурмат қилади.

— Раҳматли бобом ҳам, отам ҳам қўли гул уста бўлган, ёғочга жон киритишган. Бу ҳунар менга отамерос, — дейди Кўчқор ака. — Болаликдан бобомнинг, кейинчалик отамнинг ёнида соатлаб ўтириб, ишини кузатардим. Бўйим хиёл чўзилгандан сўнг у-бу нарсани узатиб турадиган бўлдим. Ўн уч-ўн тўрт ёшимдан бошлаб бешикнинг энг осон қисмларини тайёрлашни ўрганиб олганман. Бугун эса авлод-аждодларимнинг чироғини ёқиб, касбини давом эттираяпман.

Мўъжазгина, саранжом-сариштa, файзли-фариштали ҳовлининг бир четидаги устахонада битган ва битмаган ўнга яқин бешик турибди. Уларнинг ясалиши, нақшларидаги фарқни, ўзига хосликни илғаб олиш қийин эмас. Бири иккинчисига ўхшамайди.

— Орзу-ҳавас дегандай, ҳар бир ота-она таъбига мос нақшли ва кўринишли бешикни хоҳлашади, — дейди уста. — Шунинг учун кўпинча буюртма асосида бешик ясаймиз. Бизда у асосан уч-тўрт нусхада тайёрланади. Аслида, бешикнинг ўндан зиёд хили бор...

Дарвоқе, ўзбек хонадонини бешиксиз тасаввур қилиш қийин. Неча минг йил давомида аждодларимиз ундан фойдаланиб келган.

— Фарзандларим, невара-чевараларим ҳам ёнимга кириб қолишди, — давом этади уста. — Айниқса, неварам Акбаржон бу ҳунарнинг обдон ҳадисини олган, бир йилдан бери ўзи мустақил бешик ясаяпти.

Беш ўғил, икки қизни тарбиялаб элга қўшган, юрт хизматига ярайдиган инсонлар қилиб етиштирган, 36 невара, 40 га яқин чеваранинг суюкли бобоси сифатида ҳамон севимли ҳунарини ардоқлаб келаётган уста меҳнати мустақиллик йилларида қадр топди. У 2003 йилда Президентимизнинг Фармони билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Бир неча бор халқ амалий санъати усталари ва ҳунармандлари республика кўргазмасининг «Устоз-шогирд анъаналари бўйича энг яхши устоз» танлови ғолиби бўлди.

— Кўчқор ака партиямизнинг фаол аъзоси сифатида маҳалладаги катта-кичик тадбирларда доим бош-қош, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси Носиржон Сиддиқов. — У кишининг электоратимиз манфаатларини кўзлаб қилаётган хайрли ишлари, хусусан, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга кўрсатаётган мурувватлари кўп.

— Бешик ясаш жўн иш эмас, — дейди уста. — Бунинг учун, аввало ишлатиладиган ёғоч ва тахтани танлай билиш керак. Кўпроқ тол, тут сингари дарахтлар ёғочидан тайёрланган бешиклар мустаҳкам, бежирим ва пишиқ чиқади. Бунда ёғоч ва тахтани яхшилаб қуритишнинг аҳамияти катта. Қолгани уста маҳоратига боғлиқ. Чунки, у оддий буюм эмас, унда фарзандларимиз, невара-чевараларимиз ўсиб-улғаяди, оналаримиз унинг тепасида дилбандининг нурли чеҳрасига термилиб, тунларни бедор ўтказади, бир дунё орзу билан алла айтишади. Шундай бўлгач, ҳар бир бешикни тоза қўл, пок кўнгил ва яхши ният билан ясаш керак...

Кўчқор ака Қозоқов ва у кишининг фарзандлари, невaралари ясаётган бешикларнинг бугун бозори чаққон, харидори кўп. Бундан оила ўзига яраша манфаат кўради. Ҳалол меҳнат, пешона тери эвазига келаётган даромад ҳисобидан ҳовли-жойини таъмирлаб, янги уйлар қуришаяпти, невара тўйлари ўтказишаяпти, енгил машиналар олишаяпти. Шу билан бирга, маҳалладошларига беминнат кўмак беришаяпти. Бир сўз билан айтганда, рўзғор тўкис, турмуш фаровон, яшаш мароқли. Шунинг учун ҳам Кўчқор ака фарзандлари ва шогирдларига «Ҳунар ўрган, ҳунарда ҳикмат кўп, ёпиқ эшикларни бирма-бир очадиган шу!» — дейди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Суратда: ҳунарманд уста Кўчқор ака Қозоқов невараси Акбаржон билан.*

**Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.**

Футбол

## ЎЗБЕКИСТОН — БАҲРАЙН — 0:1

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» ўйингоҳида мамлакатимиз миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашувини ўтказди. Баҳрайнлик футболчиларга қарши кечган ўйинда вакилларимиз тўла устунликка эришди. Афсуски, футболчиларимиз гол киритиш имкониятларидан фойдалана олишмади. Учрашувга қўшиб берилган вақтда баҳрайнлик футболчи жарима тўпини аниқ бажариб, Нестеров қўриқлаётган дарвозага гол киритди — 0:1.

Гуруҳимиздаги иккинчи учрашувда ҳисоб очилмади: Япония — Австралия — 0:0.

Божхона бекати

## ҚОРА МЕТАЛЛ ТАШМАЧИЛАРИ

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари қўшни республика билан чегарадош ҳудудда ҳаракатланаётган «КамАЗ» русумли юк автомашинасини тўхтатди. Унда боёвутлик К.Примқулов 8 тоннага яқин қора металл парчаларини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётгани аниқланди.

Шунингдек, ўтказилган тезкор тадбир давомида гулистонлик Ж.Кенжаеванинг хонадонида турган «Зил» русумли автоулов текширилди. Машина юкхонасига 5 тоннадан кўпроқ қора металл парчалари юкланганлиги ва улар четга олиб чиқиш мақсадида ҳозирлаб қўйилганлиги маълум бўлди. Хуллас, 13 тонна қора металлнинг юртимиздан ташқарига олиб чиқиб кетилишининг олди олинди.

**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати**

# Ёш мусиқачиларимизнинг Японияда муваффақияти



**Японияда XIII Халқаро Гунма ёшлар оркестри фестивали бўлиб ўтди. Унда Россия, Корея Республикаси, Бразилия, Германия, Япония ҳамда Ўзбекистон вакиллари иштирок этди.**

Мамлакатимиз номидан мусиқа анжуманида бир неча халқаро мусиқий танловлар совриндорлари — Р. Глиэр номидаги Махсус мусиқий академик лицей 2-босқич талабаси М.Қодиров ва Ўзбекистон давлат консерваторияси 2-босқич талабаси А.Цукерваник қатнашди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Япония парламенти депутати Ю. Коиконинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик мактуби ўқиб эшиттирилиб, унда ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳорат ва истеъдоди алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мактубда, шунингдек, Буюк ипак йўлининг дурдонаси бўлмиш Ўзбекистон японияликлар орасида ҳамиша улкан қизиқиш ва алоҳида ҳурмат уйғотиб келгани қайд этилди.

Ўзбекистонлик мусиқачиларнинг чиқишлари Гунма префектураси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан, «Жёмо Шимбун» газетаси юртдошларимизнинг маҳорат ва истеъдодини юксак баҳолаб, «ўзбекистонлик ёш санъаткорлар томошабинларга мумтоз мусиқа дурдоналари жозибасидан баҳра олиш имконини ҳадя этди», дея таъкидлайди. Маҳаллий телевидение вакиллари эса фестивалга бағишланган махсус дастур тайёрлади. Ундан юртимиз вакилларининг японияlik журналистларга берган интервьюлари ўрин олди. Кўрсатувда мазкур мусиқа байрами Гунма перефектураси билан Ўзбекистон ёшлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Такасаки шаҳри ҳокими Юкио Мацуура XIII Халқаро мусиқа фестивалида ўзбекистонлик мусиқачиларнинг иштирок этиши тарихи Буюк ипак йўли гуллаб-яшнаган даврларга бориб тақалувчи япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ёш авлод вакилларининг ижодий ва ақлий салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун яратилган шароитларни юқори баҳолар экан, у икки мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстлик келгусида янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Гунма ёшлар оркестрининг бош мусиқий директори Ш.Минами ўзбекистонлик мусиқачилар ҳам ўзбек миллий мусиқаси, ҳам классик асарларни юксак маҳорат билан ижро этганини таъкидлади.

«Мен Ўзбекистонда классик асарларни профессионал даражада ижро этиб, дунёнинг энг нуфузли концерт залларида муваффақият қозона оладиган кўплаб ёш ва истеъдодли мусиқачилар борлигидан хурсанд бўлдим».

Фетиваль доирасида Маэбаши шаҳри Маданият институтида Ўзбекистон ва Япония ёш мусиқачилари иштирокидаги қўшма концерт бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва япон халқ қўшиқлари, миллий ва мумтоз мусиқий асарлар ижро этилди.

Концерт доирасида Маэбаши шаҳри Маданият институти талабалари иштирокида атлас матосидан тикилган ўзбек миллий либосларининг намойиши ташкил этилди. Бундан ташқари, тадбир давомида Ўзбекистон тақдимоти ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

***«Жаҳон» АА,***
*Токио*

**Суратда:** *Р.Глиэр номидаги Махсус мусиқий академик лицей талабаларидан бир гуруҳи.*

**Соғлом турмуш тарзи**

# СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

**Ҳа, Нукусда машҳур спортчилар оиласи бор. Уларга кўпчилик ҳавас билан қарайди. Оила бошлиғи Озод Казаков 1961 йили Тўрткўлда туғилган. Қорақалпоқ давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Бугунги кунда волейбол бўйича моҳир мураббий. Оила бекаси Клара Алламберганова эса ўқ отиш бўйича спорт устаси. Фарзандлари — Улуғбек, Ойбек, Отабек ва Нодира ҳам ота-она изидан боришмоқда.**

— Ҳозир мен мураббийлик қилаётган Нукус давлат педагогика институтининг волейболчи қизлари юртимизнинг кучли жамоаларидан бири ҳисобланади, — дейди Озод Казаков. — Улар Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўртасида ташкил этилган 2004 йилги биринчиликда бронза медалини қўлга киритган. 2005-2008 йилларда Ўзбекистон чемпиони, Тошкентда ўтказилган «Универсиада — 2007», Нукусда бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2008» ғолиби бўлишган.



Оиланинг тўнғич фарзанди Улуғбек болалигидан каратэ билан шуғулланади. Ўзбекистон чемпионатларининг кумуш ва бронза медаллари соҳиби. Нукус давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини битириб, спорт коллежида ўқитувчи-мураббийлик қилаяпти. Ўртанча ўғил Ойбек эса футбол бўйича Қорақалпоғистон чемпиони ва кубоги соҳиби. Каратэ бўйича ёшлар ўртасида мамлакат чемпиони, катталар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Кубоги соҳиби ва Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори. 2008 йил кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони, Японияда ўтказилган жаҳон чемпионати қатнашчиси. Айни пайтда у Нукусдаги кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи.

Кенжа ўғил Отабек эса Нукусдаги 2-кўп тармоқли спорт мактабида волейбол билан шуғулланиб келмоқда. 2006 йили ўтказилган «Умид ниҳоллари»-да бронза медали олган бўлса, «Баркамол авлод — 2008» мусобақасида чемпионликка эришди.

Нодира ҳам бўш келмаяпти. У баскетбол, волейбол, енгил атлетика, теннис ва каратэга кўпроқ қизиқади.

— Волейболчи қизлар республика терма жамоасига аъзоман, — дейди Нодира. — Шу жамоа сафида Қорақалпоғистон чемпиони, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари совриндори бўлганман. Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги баҳсларида қатнашиб, совринли ўринларни эгалладим. 2006 йили Тошкентда кикбоксинг (WFK) бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. 2007 йили Грецияда кикбоксинг (WPKA) бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медали олдим.

Спорт бу оилага кўпдан-кўп ҳаяжонли, бахтли онларни ҳадя этмоқда. Спорт туфайли бу оилада соғлом муҳит ҳукмрон. Жисмонан соғлом, руҳи тетик оила аъзоларининг орзу ниятлари ҳам бир дунё... Қанийди шундай оилалар юртимизда кўпроқ бўлса.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

✧✧✧

**Суратларда:** Нодира Казакова (юқорида); Азат Казаков ва Клара Алламберганова фарзандлари Нодира, Отабек, Улуғбек ва Ойбек билан.



**Китоб жавонингизга**

# «ГЎЗАЛ ИТАЛИЯ, МАФТУНКОР ДИЁР»

Таниқли иқтисодчи олим ва адабиёт мухлиси Қаландар Абдураҳмонов хизмат сафари билан Италиянинг кўҳна шаҳарларига бир неча бор бориб келган. У ўзининг кейинги сафарида «Дантехонлик» анжуманига таклиф этилган «Илоҳий комедия» асари таржимони, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга ҳамроҳлик қилди. У мазкур сафар таассуротлари ҳақида «Гўзал Италия, мафтункор диёр» номли китоб яратди.

Ушбу рисолади Италиянинг ўтмиши ва бугуни, гўзал меъморий обидалари, таълим тизими, итальянларнинг қуёшли юртимизга қизиқишлари, буюк шоир Данте Алигьери ва «Дантехонлик» ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Муаллиф Абдулла Ориповнинг Италия мавзусидаги шеърларининг ёзилиши лаҳзалари ҳақида ҳикоя қилиб, уларни китобига киритган.

Италиянинг гўзал манзаралари акс эттирилган рангли суратлар билан безатилган бу китоб «Академия» нашриётида чоп этилди.


## Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»

объявляет тендер № 3 на 2009 год на приобретение Рельсов магистральных железнодорожных Р-65 длиной 25 м (без отверстий) в количестве 10 000 тонн.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410. тел: 237-94-72, 237-96-33

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 со дня опубликования в средствах массовой информации.


## Диққат, танлов

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўрмончилик соҳасига оид масалалар ёритилган энг яхши материаллар учун танлов ўтказилишини маълум қилади.**

Танлов совриндорлари қуйидаги миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

**1-ўрин — 300000 сўм.**
**2-ўрин — 200000 сўм.**
**3-ўрин — 100000 сўм.**

**Рағбатлантирувчи совринлар (5 та) — 50000 сўмдан.**



**Танлов шартлари:**

**1.** Танловга шу йил 10 февралдан 20 майгача мамлакатимиз газета ва журналларида чоп этилган очерклар, мақолалар, репортажлар, журналистик текширувлар, таҳлилий материаллар қабул қилинади. Уларнинг сони 4 тадан кам бўлмаслиги керак.

**2.** Ишлар ўзбек ва рус тилларида 2 нусхада тақдим этилади.

**3.** Танловга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- мавзунинг долзарблиги;
- аҳоли ўртасида ўрмонзорларни асраш ва уларни кўпайтиришга интилишни шакллантириш;
- ўрмонзорларнинг нобуд бўлиши ва ноқонуний кесилиб кетишининг олдини олиш;
- бугунги глобал экологик муаммоларни бартараф этишда ўрмонларни кўпайтиришнинг аҳамияти;
- омманинг хабардорлигини ошириш.

**4.** Танлов совриндорлари қуйидаги талаблар асосида аниқланади:

- далилларга асосланилганлиги, оригиналлиги, мавзунинг тўла ёритилаётганлиги;
- аниқлиги ва ишончлилиги;
- мавзуни ёритишнинг таҳлилий даражаси;
- баён қилиш тилининг таъсирчанлиги, равонлиги ва тушунарлилиги;
- журналистик этика тамойилларига риоя этилганлиги.

**Танлов материаллари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 21-уй.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**(+998 71) 273-29-91, 241-01-73.**


**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:*

**Лот-1:**
**Лот 1-1. «Жондор туманидаги 450 ўқувчи ўринга мўлжалланган 37-мактабни мукаммал қайта таъмирлаш, 210 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши ва 12х24 м. ўлчамли спорт зали билан».**
**Лот 1-2. «Қоракўл тумани, «Янгибозор» ҚФЙдаги 11-мактабга 12х24 м. ўлчамли спорт зали қурилиши».**
**Лот 1-3. «Бухоро шахридаги «Семурғ» сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш».**
**Лот-4:**
**Лот-4-3. Қоракўл тумани, «Маллайи шайх» ҚФЙдаги 380 ўқувчи ўринга мўлжалланган 21-мактабни мукаммал қайта таъмирлаш 140 ўқувчи ўринли ўқув блоки (қурилиши тугалланмаган) ва 12х24м. ўлчамли спорт зали (қурилиши тугалланмаган) қурилиши билан (такроран).**

*Мазкур иншоотларни фойдаланишга топшириш муддати — 2009 йил 1 август.*

Қурилиш ишлари Республика фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Факс: 223-63-23, тел: 223-63-26.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — олтмиш минг сўм.*

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13
Madaniyat va sport — 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.**
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 149
*17094 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633

O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 21.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda